



№ 6434 "29" 11 2019 yil

Кавказ мусулмонлари идораси раиси,  
Шайхулислом Оллохшукур Пошшозода  
Ҳазратларига

*Мухтарам Шайхулислом Ҳазратлари!*

Авалло, Сизга ва Сиз орқали бутун Кавказ мусулмонлари идорасига ўзимнинг самимий ҳурматим ва чексиз эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Эътироф этиб айтиш керакки, Дунё диний раҳбарларининг II Боку саммити барча иштирокчилар катори менда ҳам қатта таассурот қолдирди.

Саммит доирасида дунёнинг турли минтакаларидан келган диний етакчилар учун кенг ва очик мулоқот майдони яратиб берилгани – унинг халқаро даражада юксак нуфузга эга эканини аңлатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг Сизга кўрсатган юксак эҳтироми сифатида Ўзбекистоннинг нуфузли давлат мукофоти "Дўстлик" ордени топширилганда, Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев Жаноби Олийлари билан бирга қабул қилиб олганингиз ва Ўзбекистон делегациясига: "Менинг маънавий ватанимдан келган меҳмонлар" – деб юксак ҳурмат кўрсатганингиз бизни жуда тўлқинлантирди. Айниқса, Ўзбекистон телеканаллари орқали самимий дил сўзларингиз намойиш этилганида ўзбек халқининг Сиз Шайхулислом Ҳазратларининг тимсолида озарбайжон халқига бўлган юксак эҳтироми янада ошганини эътироф этмоқчиман.

Шу ўринда, Сизнинг муборак ислом динининг инсонпарварлик, эзгулик, бағрикенглик ва олижаноблик каби эзгу гояларини тўғри тушунтириш, исломнинг маърифат дини ўларок, доимо жаҳолатга қарши эканини тарғиб қилиш ва илмий-маърифий тараққиёти йўлида олиб бораётган барча эзгу ишларингиз алоҳида эътирофга муносиб эканини таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мана шундай ислом дини бағрикенглигини намоён этишдек хайрли ишларда ўзаро ҳамкорликка ҳамиша тайёр эканлигимизни билдирмоқчиман.

Яна бир бора Сиз, ўзбек халқининг самимий дўсти ва маслакдоши Шайхулислом Ҳазратларига энг эзгу тилақларни тилайман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмита раиси

Абдуғофур Ахмедов

**Председателю управления  
мусульман Кавказа  
Его Святейшество Шейх-уль-ислам  
Аллахшукюру Пашазаде**

**Уважаемый Шейх-уль-ислам Хазратлари!**

Прежде всего, позвольте засвидетельствовать Вам и всему коллективу Управления мусульман Кавказа свое уважение и безграничное почтение.

Должен признать, что II Бакинский Саммит Мировых Религиозных лидеров, как и на многих участников, произвел на меня глубокое впечатление.

Создание в рамках саммита широкого и открытого диалогового пространства для религиозных лидеров всего мира – демонстрирует его высокий международный авторитет.

Отрадно отметить, что при вручении Вам Высшей Государственной награды Узбекистана «Дустлик», назначенной Президентом Республики Узбекистан Его Превосходительство Шавкатом Мирзиёевым в качестве дани уважения к вам, Президент Азербайджанской Республики Ильхам Алиев и Ваше Превосходительство приняли награду со словами: «Гости прибывшие из моей духовной Родины», оказав этим узбекской делегации высокое уважение. Особо хочу отметить, что ваши искренние высказывания транслировались по многим узбекским телеканалам, что послужило еще большему повышению уважения узбекского народа к азербайджанскому народу в лице Вас Шейх-уль-ислам Хазратлари.

Таким образом, хочу отметить, что ваша деятельность, направленная на правильную интерпретацию таких благородных идей священного ислама как гуманизм, доброта, терпимость и благородство, пропаганду того, что ислам как религия просвещения всегда против невежества, а также вся ваша благородная работа в деле научно-образовательного прогресса заслуживает особого признания.

Пользуясь возможностью, хочу выразить готовность к сотрудничеству в столь благородной работе по проявлению религиозной терпимости.

Вновь направляю наилучшие пожелания Вам дорогой Хазрат Шейх-уль-ислам, искреннему другу и единомышленнику узбекского народа.

С уважением и почтением,

Председатель  
Комитета по делам религий  
при Кабинете Министров  
Республики Узбекистан

Абдугафур Ахмедов